

кўрилгандан кейин олинган гельминтологик натижалар билан таққослаб ўрганилди. Ушбу итлар ҳам тажриба гуруҳларидаги итлар билан бир вақтда ценур протосколекслари билан зарарлантирилган эди. Аммо уларга препарат қўлланилмади.

Назорат гуруҳидаги итларни сўйиб ичакларини гельминтологик ёриш йўли билан текширганда уларнинг барчасида 3 нусхадан 7 нусхагача, жами эса 38 нусха мультицепслар, топилди. Ўртача инвазия интенсивлик 4,7 нусха паразитни ташкил қилди. Мультицепсларнинг танаси 80-100 см узунликга эга бўлиб, барчасининг сўнгги бўғимларидаги бачадон инвазион тухумларга тўлдирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Брованол препаратининг экстенс самарадорлиги 90,0 фоизни ташкил қилди.
2. Брованол-Д ва Брованол-М мультицепс қўзғатувчисига экстенс самараси 60,0 фоизни, интенс самараси 68,0 - 87,2 фоизга тенг бўлди.
3. Бромистоводород ареколин препаратининг экстенс самараси 60,0 фоиздан, интенс самараси 88,7 фоиздан ошмоқда.
4. Фенасалнинг мультицепсларга таъсири 40,0 фоиз, интенс самараси 74,5 фоизга тўғри келди.
5. Празиквантел итларни ҳар бир кг тирик вазнига 5 мг дан қўлланилганда экстенс самараси бошқа антигельминтиklarга нисбатан юқори бўлиб 100,0 фоизни ташкил қилди.

УДК: 576.895.1:594:636

“ТОЗИ” ИТ ЛАРН ИНГ АСОСИЙ ЦЕСТОДОЗЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Аминжонов Ш.

Ўзбекистан ветеринария илмий-тадқиқот институты.

boz study of poisoning of “beagle” dogs in desert-pasture zone of Karakalpakstan 110 heads of animals (dogs) were dehelminthized. Including 10,9 % of dogs were infected by echinococcosis, 38,2% - by multiceptose and 35,5% - by tenioz.

Қорақалпоғистон Республикасининг чўл-яйлов биоценозида сурув ва аул (қишлоқ) итлари *C. familiaris* опасида “този” зотли итлар ҳам учрайди. Ушбу зотли итлар инсон томонидан яратилган ва улар билан биргаликда ҳаёт кечиришга мослашиб, синантроп сут эмизувчига

айланган. “Тоzi” итларидан кўпинча кийик, сайгак, ёввойи куён, чўл мушуги каби ўтхўр сут эмизувчиларни овлашда фойдаланилади. Овчилар томонидан отилган бундай ҳайвонлар “този” итлар томонидан тутиб олинади ва хонадон эгаларига етказилади. Хонадон эгалари овланган ҳайвонларни суйиб, уларнинг ички органларини истеъмол қилиш учун хавфли бўлган цестодлар билан зарарланиши мумкинлиги тўғрисидага фикрни ҳаёлларига ҳам келтирмайди.

Бизлар Қорақалпоғистон минтақасининг чўл-яйлов биоценозида инсон билан жуда яқин контактда бўлган “този” итларини цестодозларнинг қўзғатувчилари билан зарарланганлигини аниқлашни, илк бор, мақсад қилиб қўйдик.

Унинг учун “Устюрт”, “Қизилқалъа”, “Қорақалпоғистон 40 йиллиги”, “Мулк” ва “Жанадарё” ширкат хўжаликларида 110 бош шу зотга тегишли итларни цестодозларга қарши гижжасизлантирдик, уларнинг тана қисмлари (фрагментлари)ни йиғиб олиб ўргандик. Унинг натижалари 1 ракамли жадвалда келтирилган.

Жадвал 1. “Тоzi” итларни цестодлар билан зарарланиши.

Ширкат хўжаликларнинг коми	Текширилган итлар (бош)	Цестодлар билан зарарланганлари (бош)	Фои3	Ш у ж у м л а д а н					
				Эхинококк		Мультицепс		Т.гидатиген	
				Зарарланганлар и (бош)	Фои3	Зарарланганлар и (бош)	Фои3	Зарарланганлар и (бош)	Фои3
Устюрт	21	20	95,2	4	19,0	8	38,0	8	38,0
Қизилқалъа	18	15	83,3	2	11,1	7	38,9	6	35,4
Қора-пок 40 йиллиги	14	12	85,7	1	7,1	5	35,7	6	42,9
Мулк	37	28	75,6	3	8,1	13	35,1	12	32,4
Жанадарё	20	18	90,0	2	10,0	9	45,0	7	35,0
Жами	НО	93	84,6	12	10,9	42	38,2	39	35,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, барча гижжасизлантирилган 110 бош “този” итларининг 93 бошида ёки 84,6 фоизда цестодлар билан зарарланиш кузатилди. Эхинококк билан зарарланиш ўртача 10,9 фоизни, *M. multiceps* билан зарарланиш ўртача 38,2 фоизни ва тениоз гигагена билан зарарланиш 35,5 фоизни ташкил қилди. Эхинококк ва мультицепслар билан зарарланишни “Устюрт” ширкат хўжалигида жуда юқори эканлиги аниқланди. Ушбу ҳудудда “този” итларини

эхинококкозга чалинганлиги 19,0 фоизни, мультицептозга чалиниши эса 38,2 фоизни ташкил килди. Ушбу кўрсаткичлар чўл-ййлов биоценозидаги сурув ва кишлок итларининг эхинококкозининг инвазия экстенсивлигидан 8,8 фоизга, мультицептознинг инвазия экстенсивлигидан эса 19,5 фоизга (2-рақамли жадвал) ортиқдир. Тениоз гитагена билан зарарланиш “този” итларида “Устюрт” нинг сурувлардаги ва кишлоклардаги итларига нисбатан 13,0 фоизга юқоридир. “Қизилқалъа” хўжалигидаги “този” итларни эхинококк билан зарарланиши 11,1 фоизга тенг бўлса, сурув ва кишлок итларида у 9,7 фоизни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичлар мос равишда “Жанадарё” хўжалигида 10,0 ва 8,0 фоизни ташкил қилади. “Қорақалпоғистон 40 йиллиги” ва “Мулк” хўжаликларининг “този” итларида улардаги сурув ва кишлок итларининг эхинококкоз билан зарарланиш кўрсаткичларидан 4,0 ва 0,5 фоизга кам, холос.

Мультицептоз кўзгатувчиси билан “този” итларининг зарарланиш даражаси барча ширкат хўжаликларда жуда юқори ва 35,1-45,0 фоизни ташкил қилади. Бу демак, сурув ва кишлок итларидагига нисбатан “Устюрт” хўжалигида 19,5 фоизга “Қизилқалъа” хўжалигида 24,3 фоизга, “Қорақалпоғистон 40 йиллиги” хўжалигида 21,4 фоизга ва “Жанадарё” хўжалигида 27,4 фоизга кўпдир. Бизнинг фикримизча отиб ўлдирилган ва “този” итлар томонидан етказилган ёввойи хайвонлар орасида ценуроз етарлича учрайди, аммо уларни ушбу касалликга чалинганлиги хонадон эгалари томонидан кузатилмайди (хайвон нобуд бўлгач касалликнинг клиник белгилари йўқолади). Бундай хайвонлар теридан ажратилгач уларнинг калаллари ва бошка ички органлари, албатта эхинококк билан зарарланган ўпкалар ва жигар “този” итларга “хизмат хаки”сифатида “совға” қилинади. Шу сабабли ҳам “този” итларини эхинококкоз ва мультицептоз кўзгатувчилари билан зарарланиши бошка экологик гуруҳлардаги итларникига нисбатан юқори

И бўлади деб ҳисоблаш мумкин.

“Този итларини юқоридаги экологик омилларга кўра тениз гитагигена билан зарарланиши ҳам юқори ва унинг кўрсаткичи сурув ва кишлок итларининг ушбу инвазия билан зарарланишидаги кўрсаткичдан ўртача 23,3 фоизга кўпдир. Хўжаликлараро олганда “този” итларни тениозининг инвазия экстенсивлиги 32,0-42,9 фоизни ташкил қилади, сурув ва кишлок итларида эса тениознинг инвазия экстенсивлиги 7,9 - 17,0 фоиз атрофида (2-рақамли жадвал).

Жадвал 2. Чўл-яйлов биоценозида итлар орасида асосий цестодозларнинг тарқалиши.

Ширкат хўжаликларнинг номи ва жойлашиши	Текирилган итлар (бош)	Цестодлар билан зарарланганлари (бош)	Фоиз	Шужумладан					
				Эхинококкоз		Мультицептоз		Тениоз	
				Зарарланганлари (бош)	Фоиз	Зарарланганлари (бош)	Фоиз	Зарарланганлари (бош)	Фоиз
Олта (Самарканд вил.)	52	31	59,6	15	28,8	16	30,7	-	-
Улус (Самарканд вил.)	25	13	52,0	7	28,0	6	24,0	-	-
Устюрт (Қорақалпоғистон)	205	94	45,8	21	10,2	38	18,5	35	17,0
Қизилқалъа (Қорақалпоғистон)	144	55	38,2	14	9,7	21	14,6	20	13,9
Қорақалпоғистон 40 йиллиги	126	54	42,4	14	11,1	18	14,3	22	17,5
Мулк (Қорақалпоғистон)	140	42	30,0	12	8,6	19	13,8	11	7,9
Жанадара (Қорақалпоғистон)	125	44	35,2	10	8,0	22	17,6	12	9,6
жами	817	333	40,7	93	11,4	140	17,1	100	12,2

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики:

1. Республикани чўл-яйлов биоценозида “този” итлар эхинококкоз билан ўртача 10,9 фоизга, мультицептоз -38,2 ва тениоз билан ўртача 35,5 фоизга зарарланган.

2. Чўл-яйлов биоценозида “този” итлар сурув ва кишлок итларга нисбатан эхинококкоз билан 8,8 фоизга, мультицептоз - 19,5 ва тениоз билан 24,5 фоизга ортик зарарланган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурасулов А. Опыт борьбы с ценуозом. Ж-л. «Сельское хозяйство Туркменистана», №1-2, 1998. С. 31-32.
2. Аминжанов М. и др. Опыт борьбы с ларвальными тпенидозами в Узбекистане. Тез. доки.научной конференции 26-27 марта в Самарканде, «Актуальные проблемы ветеринарной науки и практики», 1987. С. 79-81.
3. Аминжанов Ш. Изучение цестод в Республике Каракалпакстана. Сборн.мат II междун.конф. «Мониторинг распространения и предотвращения осог'л опасных болезней животных. УзНИВИ, 2004. С. 19-20.
4. Аминжанов Ш. Собаки - разносчики паразитарных болезней животных и человека. Брошюра. 2007. 12 С.